Бозор иқтисодиёти бўсағасида

# ШАРТНОМА ТУЗИШ НЕГА КЕЧИКЯПТИ?

**● Мамлакатимиз саноат корхоналарининг кўпчилиги ҳозирги даврда тўла хўжалик ҳисоби шароитида иш юритмоқда. Айни пайтда улар бошқариладиган бозор иқтисодиёти бўсағасида туришибди. Маҳсулот етказиб бериш, шартнома мажбуриятларини бажариш эса янги шароитда иқтисодий ютуқларнинг энг муҳим омили бўлиб хизмат қилиши табиий. Шундай экан, хўш шаҳар корхоналари ўртасида ўтган йилги шартнома режалари қандай бажарилмоқда! Ушбу корхоналар орасида келгуси йил учун шартномалар тузиш масаласи қай тарзда бораяпти! Жамоатчи мухбиримиз шу каби саволлар билан Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари, шаҳар режа комиссиясининг раиси Б. Ғ. Йўлдошевга мурожаат этди.**

— Жумҳуриятимиз халқ хўжалигини ривожлантириш ишига шаҳримиз саноат корхоналари ҳам салмоқли улуш қўшмоқда. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг тўртдан бир қисми пойтахт корхоналари ҳиссасига тўғри келмоқда. Кўриниб турибдики, жумҳуриятимиз, ҳатто мамлакатимиз корхоналари ўртасида шартнома мажбуриятларининг бажарилиши шаҳримиз корхоналарида бу борадаги режалар қандай адо этилаётганига ҳам боғлиқ. Лекин ўн ойлик шартнома мажбуриятларига назар ташлайдиган бўлсак бу масалада мақтанишга арзигулик натижалар кўзга чалинмайди. Мисолларга мурожаат қилайлик. Ўтган йили тузилган шартномалар шаҳримизнинг 175 корхонаси томонидан шу йилнинг ўн ойи ичида 98,7 фоизга бажарилди холос. Албатта бу ўз навбатида бутун жумҳурият шартномаларига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Натижада республика бўйича бу борадаги режа шу муддатда 98,1 фоизга адо этилди.

Шаҳарнинг ҳар тўрт корхонасидан бири шартнома мажбуриятларини бажара олмади. Жами 42 корхона ўн ой ичида ўз буюртмачиларига 46 миллион 631 минг сўмлик маҳсулотни кам етказиб берди. Булар ичида «Тошкент» ёғочни қайта ишлаш корхонаси 6 миллион 940 минг, Тошкент экскаватор заводи 6 миллион 892 минг, лакбўёқ заводи 3 миллион 511 минг, Ўзбекистон иккиламчи қора металлар ишлаб чиқариш бирлашмаси 1 миллион 858 минг, Ўрта Осиё электр аппаратлари илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси 1 миллион 338 минг сўмлик маҳсулотларни буюртмачиларга етказиб бера олмадилар. Бундай ҳолни бошқа корхоналар ўртасида ҳам кўриш мумкин.

Шу ўринда бир нарсани қайд этиб ўтиш лозим кўринади. Албатта, юқорида номлари зикр этилган ва улардан бошқа корхоналарнинг ҳам шартнома мажбуриятларини бажара олмаганликларига бир ёқлама қараш нотўғри бўлур эди. Чунки бу хусусдаги қолоқликнинг ўзига хос объектив ва субъектив сабаблари ҳам бор. Мисол учун «Тошкент» ёғочни қайта ишлаш корхонасини олайлик. Бу корхона ўтган давр мобайнида Сибирь ўрмон хўжаликлари томонидан шартнома рўйхатларида белгиланган миқдордаги ёғоч материалларини ололмади. Бунга албатта Сибирь ўрмон хўжалигидагиларнинг ҳудудий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда иш тутишлари сабаб бўлди. Ёки буни Ўзбекистон иккиламчи қора металлар ишлаб чиқариш бирлашмаси мисолида кўриб ўтайлик. Бирлашма ишчи ва хизматчиларининг шартнома мажбуриятларини бажара олмаганликлари Ўзбекистон ССЖ агросаноати ҳамда бошқа вазирликлар корхоналари томонидан иккиламчи металлар ўз вақтида етказиб берилмаганлигида бўлди.

**— Баҳодир Ғаниевич, шу ўринда хўш, келгуси йил учун шаҳримиз корхоналарида шартномалар тузилиши қай тарзда бормоқда, деган савол туғилади. Илтимос, шу ҳақда ҳам гапириб берсангиз!**

— Савол жуда ўринли. Лекин унга жавоб бериш осон эмас. Очиғи, 1991 йил учун шартномалар тузиш барча корхоналарда оғир кечмоқда. Шу йилнинг 26 октябригача бўлган маълумотга назар ташласак бунинг исботи яққол кўринади. Чунки шаҳар корхоналарида шу муддатгача ҳаммаси бўлиб 30,7 фоизгина шартнома тузилди, холос. Шулардан 36,6 фоизи Иттифоқ қарамоғидаги, 23,1 фоизи эса жумҳурият миқёсидаги корхоналардир.

Қурилиш ташкилотларида ҳам аҳвол бундан ёмон десак янглишмаган бўламиз. Келгуси йил шаҳар ижроия қўмитаси билан қурилиш ташкилотлари ўртасида тузилажак шартномага мувофиқ 431 миллион 900 минг сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиши лозим бўлади. Биласизки, Тошкент шаҳрида асосан қурилиш ишларининг 90 фоизга яқинини Тошкент қурилиш Бош бошқармаси бажаради. 1991 йили ушбу бошқарма шаҳар ижроия қўмитасига ажратилган маблағ ҳисобига 931 минг квадрат метр уй-жой, 13 минг 497 ўринли мактаб, 6 минг 540 ўринга эга бўлган болалар боғчаси ва бошқа бир қатор объектларни қуриб фойдаланишга топшириши керак.

Булардан ташқари «Маҳалла» дастурини бажариш учун кейинги йилда 55 миллион 700 минг сўмлик қурилиш-тиклаш ишлари бажарилиши кўзда тутилган. Шунингдек, савдо ҳамда маиший хизмат кўрсатиш муассасаларини қуриш ишлари ҳам бундан мустасно эмас.

Лекин, йил ниҳоясига етаяптики, ҳамон жумҳурият давлат режа комитети томонидан шаҳар Совети ижроия қўмитасига капитал қурилиши учун ажратиладиган маблағ миқдори маълум қилинганича йўқ. Бу нарса ҳам шартнома режаларини тузиш ишларининг кечикишига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Хуллас, ҳозирги кунга келиб шаҳардаги 85 корхонада шартнома мажбуриятлари бор-йўғи 30,7 фоизгагина тузилганлигини яна бир бор такрорлашга тўғри келади. 26 корхонада эса ҳали бу борада ҳеч қандай иш қилинганича йўқ. Шулардан олтитаси Иттифоқ, 20 таси эса жумҳурият қарамоғидаги корхоналардир. Улар орасида «Средазгазавтоматика», Ўзбекистон иккиламчи қора металлар ишлаб чиқариш бирлашмаси, ССЖИ 50 йиллиги номли «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқалар бор. Хўш, нега шундай бўлаяпти? Ахир йил якунланиб бораётган бир даврда нега бу корхоналарда шартнома тузиш ишига киришилмаяпти?

Бунинг асосий сабабларидан бири хом ашё ва материалларнинг етишмаслигида десам хато қилмаган бўламан. Мисол учун ССЖИ 50 йиллиги номли «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасини олиб кўрайлик. Ушбу корхонага Россиядаги Владимир заводи тракторлар учун турли двигателларни юбориб турар эди. Келаси йил эса бу корхона мўлжалдаги двигателлардан 9 мингта кам етказиб беришни бизга маълум қилмоқда. Демак, корхона трактор ишлаб чиқаришни яна шунчагача қисқартиради, деган сўз бу.

Мана яна бир ҳаётий мисол. Ҳозир шаҳарда сигарет танқислиги ҳукм сураётганини ҳамма яхши билади. Нега шундай? Ахир бир вақтлар дўкон пештахталарини тўлдириб ётган турли хил сигаретлар қаёққа йўқолди? Кутилмаган бу танқислик қаердан пайдо бўлди? Бунга асосан Арманистонда рўй берган кучли табиий офатни сабаб қилиб айтиб ўтишимиз мумкин. Чунки, ер қимирлаш оқибатида барча корхоналар қатори бу турдаги корхона ишлаб чиқаришига ҳам путур етди. Натижада Тошкент тамаки фабрикасига етказиб бериладиган сигарет фильтрларини тўхтатиб қўйди. Бунинг устига ўзимизда сигарет учун ишлатиладиган баъзи хом ашё турларининг етишмаслиги туфайли ҳам ушбу танқислик юзага келди. Шунингдек, химия-фармацевтика заводига чет эл хом ашёси ва темир йўл юк ташиш қутилари етишмаяпти. Экскаваторчилар эса редукторларни ишлаб чиқариш қувватини ҳали ҳам ўзлаштириб ололганларича йўқ. 1-ёғочни қайта ишлаш заводига Бирюсинск ва Братск ўрмон саноати хўжаликлари ёғочни белгиланган миқдорда етказиб бермаётир. Мана шу муаммолар ҳам кишида ҳақли равишда ташвиш уйғотади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, шаҳардаги барча корхоналар бир маромда иш юритаётганларича йўқ. Бугун биз айрим корхоналарнинг қўлга киритаётган ютуқларидан қувонсакда, лекин бу бизни тўла қаноатлантира олмайди. Қачонки, барча корхоналарда ижобий натижаларга эришилсагина шаҳар бўйича янги марраларга чиқиб олишимиз мумкин. Бизнингча бозор иқтисодиётига ўтиш арафасида шаҳарнинг ҳар бир корхонаси ўз меҳнат фаолиятини жонлантириши, ташаббускорликни қўлдан бермаслиги, келгуси йил шартномаларини тузишда ибрат кўрсатмоқликлари лозим. Энг муҳими ҳам ана шунда.

**Суҳбатни Ғ. ЮСУПОВ олиб борди.**





⊙ Шаҳноза Тиллаева шаҳримиздаги «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг пешқадам ишчиларидан бири. У уч йилдан бери шу корхонада самарали меҳнат қилиб келмоқда.

⊙ Тошкентдаги экскаватор заводи жамоаси томонидан ишлаб чиқарилаётган кенг истеъмол буюмларига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Сиз суратда шу корхонанинг кекса ишчиларидан бири Руслан Жамолиддиновни кўриб турибсиз.

Обуна—91:

# «МУЛОҚОТ»— ОШКОРАЛИК МИНБАРИ

ҚАЙТА қуришнинг ҳозирги қийин, мураккаб, бурилиш палласида «Мулоқот» ойномаси ташкил этилди. Бу — оммавий, ижтимоий-сиёсий ва бадиий-публицистик ойнома муштарийлар учун шу куннинг долзарб масалалари бўйича барча муаммоларга ўз нуқтаи назарини билдиришга имкон яратади. Муҳим муаммолар борасидаги қарашларни бир-бирига солиштиришга, аҳолининг турли табақаларига мансуб шахсларнинг ҳамда кенг жамоатчилик фикрини ойдинлаштиришга мўлжалланган.

Ойноманинг асосий мақсади — сиёсий турмушнинг хилма-хил шаклларини ёритишдан, қайта қуришга амалий муносабатларни шакллантиришдан, партия, шўро ва турли жамоа ташкилотлари фаолиятининг долзарб муаммолари юзасидан танқидий таҳлиллар ва амалий таклифларни, муқобил нуқтаи назарни эълон қилишдан иборатдир.

Шунингдек, унда сиёсий ва иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш, демократия, миллатлараро муносабатларни, маданиятни ривожлантириш, жамиятда маънавий бойликни соғломлаштириш билан боғлиқ бўлган жараёнларнинг қандай кечаётганлиги мунтазам акс эттириб борилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси қоғоз танқис бўлган, босмахона харажатлари ва алоқа хизмати қимматлашган бир пайтда «Мулоқот»ни чиқариш ҳақида қарор қабул қилар экан, ошкоралик — бу демократиянинг ризқ-рўзи эканлигини, барча соғлом фикрловчи ижтимоий кучларнинг ўзаро кенг мулоқоти — фуқароларнинг баҳамжиҳат бўлиши, барча куч-ғайратларини жамиятимизни янгилаш, жумҳуриятимизни миллий-давлатчилик, социал-иқтисодий, маънавий ривожлантириш муаммоларини ҳал этишга қаратиш йўли эканлигини назарда тутди.

Ишончимиз комилки, янги ойнома кенг меҳнаткашлар оммасини тўлқинлантириб келаётган жумҳурият ҳаётининг ҳамма муаммолари бўйича фикр-мулоҳазалар, нуқтаи назар ва қарашларни бир-бири билан амалий таққослашга хизмат қилади. Ўзбек халқининг энг яхши инсонпарвар маданий анъаналарини қайта юзага келтиришга, эзгу ниятларни ва аҳил қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга яқиндан ёрдам беради. Бу жумҳурият олдида турган муаммолар қанчалик мураккаб ва кенг миқёсли бўлмасин, уларни муваффақиятли ҳал этишнинг асосий шартидир.

Аслида «Мулоқот» кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган бўлиб, муштарийларни ҳозирги шароитда жамиятимиз иқтисодиётида, сиёсатида, ижтимоий турмушида, маданиятида юз бераётган мураккаб ва бир-бирига зид жараёнларни яхшироқ тушуниб етишга хизмат қилади. Айни вақтда кўтарилаётган масалаларни мақсадсиз, шунчаки муҳокама этиш билан кифояланишига йўл қўйилмайди. Ўзини кўрсатишга, қизил ва ўткинчи мулоҳазалар билан бошқаларнинг диққатини ўзига тортишга интилиш фикри қўллаб-қувватланмайди. Ойнома муҳарририяти ҳар қандай жонли мулоқотда, баҳс ва мунозарада ўз қарашлари аниқ билиниб туришга асосланган таклифлар киритилишига интилади.

«Мулоқот» саҳифаси — кенг меҳнаткашлар оммасининг ошкоралик минбари бўлмоғи лозим. Бу — унинг номидан ҳам маълум. Долзарб мавзуларни кўтариб чиқа оладиган қалами ўткир, фикри теран, мушоҳадаси кенг барча кишиларни — олимлар, шоир ва ёзувчилар, санъат арбоблари, ишчи ва деҳқонлар, ўқитувчи ва талабалар, айниқса навқирон истеъдод соҳибларини биз билан ҳамкорлик қилишга чақирамиз. Ҳар бир муаллифнинг шахсий фикри ва ўз овози сақланиб қолинишига ҳаракат қилинади. «Мулоқот» ҳамма бир фикрга бўйсунадиган бир томонлама эмас, балки турли хил қарашлар, баҳслар ва баҳоларни чоп этиш эвазига ўз муштарийлари сонини кўпайтириб боради.

«Мулоқот» саҳифаларида инсоннинг маънавий дунёси, унинг қадр-қиммати, жамиятда тутган ўрни, ўзбек миллатининг ўтмиши, бугуни ва келажаги, жумҳуриятимиз мустақиллиги ва унинг мавқеи, Давлат тили ва унинг истиқболи, бой ва бебаҳо маданий меросимизга янгича қараш тўғрисида баҳс ва мунозаралар уюштириш кўзда тутилмоқда.

«Мулоқот» доимо ҳамроҳингиз бўлишини истасангиз, унга ўз вақтида ёзилинг. Пойтахтдаги барча алоқа бўлимларида янги ойнома учун обуна қабул қилинмоқда. Муҳарририят жамоаси эса Сизнинг ишончингизни оқлашга ҳаракат қилиб, бу борада билим ва кучини асло аямайди.

Обуна баҳоси унча қиммат эмас. Ойноманинг бир сони 60 тийин. Бир йилга эса 7 сўм 20 тийин.

Мактуб ва мақолаларингизни кутамиз.

Манзилгоҳимиз: Тошкент—П, «Правда» газетаси кўчаси, 41-уй.

**И. УСМОНОВ,**
«Мулоқот» ойномаси бош муҳаррири ўринбосари.

Янгилик! Хабарингиз борми?

# ХАЙРЛИ ЙЎЛДАГИ ҲАМКОРЛИК

МАЪЛУМКИ, турли хил табиий офатлар, авариялар натижасида вайронагарчиликлар рўй беради, кишилар қурбон бўлади, кўпчилик эса жароҳатланади. Шундай пайтда кишиларга зудлик билан ёрдам кўрсатилса қурбонлар сони, албатта, кам бўлиши мумкин. Кўп хорижий мамлакатларда ана шундай фавқулодда ҳолатларда зудлик билан ёрдам кўрсатадиган махсус қутқарувчилар гуруҳлари мавжуд. Бизда эса ана шундай қутқарувчиларнинг йўқлиги айниқса Арманистонда рўй берган зилзиладан жабрланганларни қутқаришда салбий таъсир кўрсатди. Худди шундай, Ўзбекистон минтақасида ҳам вақти-вақти билан рўй бераётган зилзилалар, сув тошқинлари, ҳар хил авариялар натижасида жабр кўрганларни махсус қутқарувчилар йўқлиги ўз таъсирини кўрсатиб келганди. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон ҳукуматининг ўтган йил октябрь ойида чиқарган фармойишига биноан бизда ҳам шу каби қутқарувчилар гуруҳи ташкил этилди.

Ўзбекистон ССЖ Вазирлар кенгаши Давлат комиссияси қошида фавқулодда аҳвол бўйича фаолият кўрсатаётган тез ҳаракат қилувчи кўп соҳали Жумҳурият маркази ташкил қилингандан бери ўтган салкам бир йил ичида ушбу марказ қутқарувчилари Сирдарё ГРЭСи авариясидаги талафот натижаларини бартараф этишда, Тянь-Шань тоғларидаги Ленин чўққисига чиқишда ҳалокатга учраган альпинистларни қутқаришда ва бошқа тадбирларда фаол қатнашдилар. Швейцариядаги ҳамкасабалари таклифига биноан июль ойида улар ана шу мамлакатда бўлиб, тажриба алмашиб, ўз малакаларини ошириб келдилар.

Яқинда швейцариялик бир гуруҳ қутқарувчилар Ўзбекистонда бўлишди. Швейцария «Рандевал» фирмаси бошлиғи Гвидетти Гведо бошчилигидаги қутқарувчилар бир неча кун давомида ўзбекистонлик ҳамкасабаларининг ишлари билан яқиндан танишдилар, улар билан биргаликда машғулотлар ўтказдилар. Тошкентдан ташқари Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида ҳам бўлиб, у ердаги қутқариш борасидаги ишлар билан ҳам қизиқдилар. Жумҳуриятимиз тез ҳаракат қилувчи кўп соҳали маркази ташкил қилингандан бери унга яқиндан ёрдам бериб келаётган ва уларни ўз ҳомийлигига олган Ўзбекистон ССЖ Қизил Ярим ой жамияти марказий қўмитасида куни кеча меҳмонлар билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашув вақтида жамият марказий қўмитаси раиси У. Воҳидова ҳамда швейцариялик қутқарувчилар делегациясининг раҳбари Г. Гвидо ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, қутқарувчиларимиз ўртасидаги ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш ҳақида фикрлашиб олишди.

**А. ЁҚУБХЎЖАЕВ.**

# РАҲМАТ, СИЗЛАРГА

ШЎХ мусиқа садолари шу куни Марказий универсал магазинининг ишчи ошхонасига кириб келаётган кишилар қулоғига чалинарди. Ҳамма жойда меҳнат кексаларини дам олишга кузатишга ҳар томонлама яхши тайёргарлик кўрилганлигидан далолат берарди. Шундай қилиб, барча меҳмонлар ва шу бугунги тантана сабабчилари гуллар билан безатилган столлар атрофига йиғилиб бўлгач, улар шанига энг яхши дил сўзлари янгради. Дарҳақиқат, шу даргоҳда бир неча ўн йиллар мобайнида меҳнат қилиб, ўзининг тажрибасини ёшларга сидқидилдан ўргатган, харидорларга хизмат кўрсатишни такомиллаштириш ишига муносиб ҳисса қўшган шундай инсонлар шанига ҳар қандай тасаннолар айтса арзийди.

Масалан, Маҳмуд ака Ҳакимовни олайлик. У ўз иш фаолиятини зилзилага қадар шаҳримизнинг К. Маркс кўчасида жойлашган Марказий универсал магазинининг эски биносида бошлаган эди. Шогирд бўлди, сотувчилик қилди, секция мудири бўлди. У ўз умрининг 53 йилини савдога бағишлади. Унинг меҳнатлари Ленин ордени билан тақдирланди. Яна бир оқсоқол ҳақида ҳам илиқ сўзларни айтиш мумкин. У Улуғ Ватан урушининг ногирони Абдулла ака Зокировдир. Абдулла ака Москва остоналарида жанг қилиб, яраланди. Тинч қурилиш йилларидаги ярим асрлик фаолиятини савдо ишларига бағишлади.

— Бизнинг жамоамизда 1400 киши меҳнат қилади, — дейди Марказий универсал магазини директори Ҳ. Р. Шарипов ўз табригида. — Уларнинг кўпчилиги 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Лекин бу ёшлар ёши улуғ ҳамкасбларининг қўллаб-қувватлаши, тажрибасидан баҳраманд бўлишяпти. Шу боисдан биз бундан кейин ҳам меҳнат кексаларини тез-тез магазинимизда кўриб туришни истаймиз.

Жумҳурият савдо вазири М. З. Усмоновнинг сўзидан бу ердагилар универмаг жамоаси орасида қўлни қўлга бериб ишлаганлар ичида орденлар билан тақдирланган кўпгина кишилар борлигидан хабардор бўлдилар.

Қадимдан Ўзбекистонда қадрли меҳмонларга, элга хизмати сингган кишиларга чопон ва дўппи кийгазиш одати бор. Универмаг кексаларини дам олишга кузатиш пайтида ҳам ана шундай қилинди. Уларга яна бошқа мукофотлар, бир йўла 500 сўмдан тортиб 2 минг сўмгача пул нафақалари ҳам берилди.

Маросим охирида байрам концерти қўйиб берилди. Бадиий ҳаваскорлик тўгарагининг аъзолари ўзларининг дилрабо куй ва қўшиқлари билан тўпланганлар қалбига бир олам қувонч бағишладилар.

# «ГАЛЬВОУР» КАФОЛАТ БЕРАДИ...

Заҳарли моддалардан фойдаланилмайдиган ишлаб чиқариш, маҳсулотнинг аъло сифати, сувнинг тежалиши ва унинг жуда яхши тозаланиши, жаҳон стандартлари даражасидаги меҳнат шароити... «Средазэлектроаппарат» бирлашмасининг Тошкентдаги бош корхонасида қабул қилишга тайёрланилаётган гальваник линиянинг афзалликлари ана шундай. Ускуналарни етказиб бериш ва уларни фойдаланиш учун тайёр қилиб ўрнатишни Швециянинг «Гальвоур» фирмаси ўз зиммасига олган.

Ҳозирнинг ўзидаёқ Таллинн портида контейнерлардан Стокгольмдан келтирилган қимматбаҳо юклар тушириб олинмоқда. Бу орада эса Тошкентда ярим автомат линия ишга туширилди. Унинг шарофати билан деталларга ишлов беришнинг эскириб қолган технологиясидан воз кечилди. Бўшаб қолган майдонлар реконструкция қилинди, ҳаёт таъминоти манбалари ўтказилди.

Ноябрь ойининг охирларида «Гальвоур» фирмаси мутахассисларининг дастлабки гуруҳи келади. Уларнинг вазифаси янги линия учун тайёрлаб қўйилган пойдеворни кимёвий жиҳатдан пишиқ пластик билан қоплашдан иборатдир. Январь ойида асосий ускуналар ўрнатила бошланади. Гальваник линия билан бирга тозалаш иншоотларининг кучли системаси ишга туширилади.

Линияда бир кеча-кундузда уч тонна деталь тайёрланади. Уларни руҳ ва кадмий билан қоплаш жараёни заҳарли цианли натрийдан фойдаланишга эҳтиёж қолдирмайдиган энг янги технология асосида олиб борилади.

(ЎзТАГ мухбири).



«Ижмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкентдаги филиали нафақат Тошкент области ва шаҳрининг автомобилларига, балки Ўрта Осиё ва Қозоғистондан келган автомобилларга ҳам техник хизмат кўрсатади.

СУРАТДА: корхона устаси Баҳодир Рустамов навбатдаги мижоз — Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси Мамажон Қурбоновга қарашли машинага хизмат кўрсатмоқда.

Т. Каримов суратлари.

# Ўзбекистон учун одамгиёҳ

ТОШКЕНТДА «Узманен» соғлиқни сақлаш совет-корея қўшма корхонаси ишлай бошлади. Магадан, Горький, Хабаровскда ҳам бу фирманинг бўлимлари бор. Фирма эгалари бу ерда соғломлаштириш муассасаларининг бутун бир тармоғини барпо этишмоқчи. Булар шарқ табобатининг анъанавий усуллари (игна билан даволаш, шифобахш дори-дармонларни ва тетиклантирувчи ичимликлардан фойдаланиб уқалаш) қўлланиладиган касалхоналар ва поликлиникалардир. Ўзбекистон пойтахтига КХДЖдан ҳозирнинг ўзидаёқ ўн нафар шифокор келди. Булар орасида профессорлар, тиббиёт фанлари докторлари ва номзодлари бор. Декабрь ойининг бошларида улар Тошкент, Самарқанд ва Фарғонадаги фақат кундузи ишлайдиган касалхоналарда дастлабки беморларни қабул қилишади. Шифокорлар бу ерда ўстириш ниятида ўзлари билан бирга шифобахш гиёҳларнинг уруғларини олиб келишган. Шу мақсад учун маҳаллий маъмурлар, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида қарийб юз гектар ер ажратиб беришмоқда. Дори-дармонлар яқин вақт ичида ишга тушадиган фармокология заводида тайёрланади. Тошкент шаҳри яқинидаги жойларнинг бирида ҳозирнинг ўзидаёқ ишлаб чиқариш бинолари ажратилган. Бу биноларда Кореядан етказиб берилган ускуналар ўрнатила бошланди. Янги корхона йилига миллион сўмликдан кўпроқ 200 хил гиёҳни қайта ишлайди. Дорилар тайёрлашда асосан одамгиёҳдан фойдаланилади.

